



THE ROLE OF SOCIAL PARTNERSHIP IN FINDING SOLUTIONS IN THE FIELD OF ENVIRONMENTAL PROTECTION AND HEALTHY LIFESTYLE

Enakhon Zaripbaevna Nishanbaeva

Doctor of philosophy (PhD) in political sciences, associate professor

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, social partnership, ecology, strategy, water, park.

Received: 22.07.24

Accepted: 24.07.24

Published: 26.07.24

Abstract: Environmental problems lead to some negative consequences in Uzbekistan. You can make many documents and decisions, develop large-scale projects, implement measures for environmental protection and ecological balance, and allocate funds to finance them. However, in these processes, if social partnership relations are not established with government bodies, Non-governmental non-profit organizations and other civil society institutions based on the principles of social partnership, if the population does not develop a sense of responsibility for the environment, all measures taken in this area will be ineffective.

ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ – МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЎРНИ

Энахон Зарипбаевна Нишанбаева

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлари: Ўзбекистон, ННТ, ижтимоий шериклик, экология, стратегия, сув, боғ.

Аннотация: Экологик муаммолар Ўзбекистонга қатор салбий оқибатлар олиб келмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш борасида кўплаб ҳужжатлар, қарорлар қабул қилиш, кенг миқёсли лойиҳалар ишлаб чиқиб ва чора-табирлар ўтказиш, уларни молиялаштириш учун маблағ

йўналтириш мумкин. Аммо бу жарёнларда давлат бошқаруви органлари билан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ижтимоий шериклик муносабатлари ташкил этилмаса, аҳолида теварак атрофга масъулият хиссини, шакллантирилмаса бу соҳадаги барча ишлар бесамара бўлади.

РОЛЬ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА В НАХОЖДЕНИЕ РЕШЕНИЯ В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ

Энахон Зарипбаевна Нишанбаева

Доктор философии (PhD) по политическим наукам, доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, социальное партнерство, стратегия, вода, парк.	Аннотация: Экологические проблемы приводят к некоторым отрицательным последствиям в Узбекистане. Можно принимать множество документов и решения, разрабатывать масштабные проекты, осуществлять мероприятия по охране окружающей среды и экологическому балансу, выделять средства на их финансирование. Однако, если не уделять должного внимания социальному партнерству в этих процессах с органами государственного управления, ННО и другими институтами гражданского общества, основанных на принципах социального партнерства, если у населения не будет сформировано чувство ответственности за окружающую среду, все принятые меры в этой сфере будут неэффективны.
---	---

КИРИШ

Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида экологик муаммолар юзага келлаётган бир даврда Ўзбекистон ҳам бу каби муаммоларга дуч келмоқда. Тарихан қарайдиган бўлсак, турли даврларда Ўзбекистон ҳудудида атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш жамият олдида турган долзарб муаммолардан бир бўлиб келган. Масалан, жадид маърифатпарварларидан бири бўлган Хожи Муин (1883–1842 йй)[1] аҳоли саломатлигини сақлашда покизалик ва тозаликнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб, “Тиб ва хифз ус-сиххатда риоятсизлигимиз” номли мақоласида инсонлар тозалик борасидаги тартиб қоидалар ва ўғитлардан хабардор бўлсалар да уларга амал

килинмаганлигидан қаттиқ қайғуради. “Хифзи сихат қоидаларига риоя этиб, ... кўчаларни покиза тутмоғимизнинг лозимлиги англашилган ҳолда бизлар бул хусусида ҳеч бирисига аҳамият бермай, киру ифлослик ила маишат этиб, ўзимизни турли балоларга гирифтор ва нобуд этмоқдамиз” – деб ёзади[2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида табаатни асраш, атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда давлат, фуқаролик институтлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликнинг ўрни ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги қонунининг 5-моддасида Ижтимоий шерикликнинг муносабатлари амал қиладиган соҳалардан бири сифатида атроф муҳитни, муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш белгиланганлиги[3] давлат бошқаруви органлари билан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг шу борадаги ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Экологик муаммоларнинг мамлакатимиз учун қанчалик аҳамиятли эканлигини назарда тутиб Президент Ш.Мирзиёев : “Тупроқ, сув ва ҳавонинг ҳаддан зиёд ифлосланиши, иқлим ўзгариши, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидаги ташвишли ўзгаришлар экологик муаммони тараққиётга юз тутаётган мамлакатларнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган омиллардан бирига айлантirmoқда.

Шу боисдан, барча ҳукуматлар ўз мамлакати ҳудудида экологик барқарорликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам экологик муаммолар жиддий ташвиш туғдirmoқда. Аксарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб бормoқда, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғoқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланиб бормoқда” деб таъкидлади[4].

Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг ихтисослашган Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO) маълум қилишича, сўнгги ярим асрда энг кўп ўлим келтирган табиий офат — қурғoқчиликдир.

WMO маълумотларига кўра, охириги 50 йил давомида қурғoқчилик — 650 минг, довуллар — 577 минг, сув тошқинлари — 58,7 минг, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришлари — 55,7 минг кишининг умрига зомин бўлган.

Энг катта иқтисодий зарар келтирган офатлар: довуллар (\$521 миллиард) ва сув тошқинлари (\$115 миллиард).

WMO бош котиби Петтери Таалас фикрига қараганда, *“Иқлим ўзгаришлари туфайли об-ҳаво, иқлим ва сув билан боғлиқ хавфлар кўпайиб, кескинлашиб бoряпти”*[5].

Айтиш зарурки, иқлим ўзгариши — кенг тарқалаётган, жадал ва тезлашиб бораётган жараёндир. Дунёнинг деярли барча қисмида истиқомат қилаётган инсонлар иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган ҳодисаларни ўзларида ҳис қилишмоқда.

Иқлим ўзгариши Ўзбекистонга ҳам қатор салбий оқибатларга олиб келмоқда. Жумладан:

- ҳарорат кўтарилиши натижасида сувнинг буғланиш коэффициенти ошиши ҳудудларда сув ресурслари камайишига, танқислигига таъсир этмоқда;
- экологик танглик оқибатида йил давомида умуман ёғингарчилик бўлмаган кунлар сони кўпаймоқда;
- тупрокнинг намлиги камайиши ҳисобига такрорий қурғоқчилик хавфи ортмоқда ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари тушиб кетмоқда;
- орол денгизига қуйиладиган сув ҳажмининг камайиши дарё дельтасининг чўлга айланиши ва қуриган денгиз тубида янги чўл майдонлари пайдо бўлишини тезлаштиряпти;
- атмосфера ҳавосида катта майдонларда чангланиш ортмоқда;
- исиш ва совиш каби аномал ҳодисаларнинг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва мевалар нобуд бўлмоқда[6].

Бир-икки йил аввал “Global Change Biology” илмий журналида Канада ва Британия олимлари гуруҳи томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари эълон қилинган эди. Жумладан бу ҳужжатда: «Агар глобал исиш тўхтатилмаса, 500 йилдан сўнг Ер шу қадар ўзгариб кетадики, биз омон қолиш ва тарихий ҳамда географик жиҳатдан илдиз отган маданиятларимизни сақлаб қолиш учун курашишга мажбур бўламиз»[7], — дейилади.

Тадқиқотда келтирилган маълумотлар Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон ва минтақа мамлакатларига оид иқлим ўзгариши ва ривожланишига оид янги ҳисоботиға яқиндир. Жумладан, мамлакатда иқлим ўзгариши туфайли 2030 йилга бориб бутун мамлакат бўйлаб камида 8 миллион одам юқори иқлим хавфи мавжуд туманларда яшай бошлайди[8].

Глобал иқлим ўзгариши, сувнинг камайиши ва қурғоқчилик туфайли Марказий Осиёда 20-25 йилдан сўнг ноқонуний ички муҳожирларнинг кўпайиши, 2050 йилга бориб Марказий Осиёда 5 миллионга яқин иқлим муҳожирлари пайдо бўлиши ҳақида айтилмоқда[9].

Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонга иқлимнинг меҳнат унумдорлигига, йўллар ва кўприклар, чорвачилик ва ирригация секторига салбий таъсирини юмшатиш учун тахминан 60 миллиард АҚШ доллари керак бўлади[10].

Иқлим кўрсаткичларининг йил сайин тобора ёмонлашиб бораётганини инсоният Ердан шафқатсизларча фойдаланишни давом эттираётгани туфайли эканлиги маълум.

Кўпчилик давлатлар томонидан, хусусан Ўзбекистонда ҳам бу жараён хавфсизликка қарши энг катта таҳдид сифатида кўрилмоқда. Дунё бўйлаб содир бўлган аянчли ҳодисалар экологик хавфсизликни таъминлашнинг қўшимча, самарали механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Инсон табиатни тобора ўз измига буйсундирмоқда, мақсадлари йўлида хизмат қилдирмоқда. Инсоннинг табиатга боғлиқлиги гўё камайгандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Ҳозирги вақтда “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Экологик танг аҳвол” каби ибораларнинг тез-тез эшитилиши аксинча, табиий муҳит ҳолатига инсон ҳаёти тобора боғлиқ бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан аниқ бўладики, инсон қудратининг ортиб бориши нафақат табиат учун, балки охир-оқибатда унинг ҳаёти учун хавфи бўлган салбий оқибатларнинг кўпайишига олиб келади. Бу хавфнинг салмоғи эндиликда англаб етилмоқда.

Ҳозирги даврда атроф-муҳит ифлосланининг тобора кенгрок тус олиши охир-оқибатда одамлар ҳаётининг табиий асосларининг емирилишига олиб келмоқда.

Афсуски, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда, айниқса Тошкент шаҳрида экологик вазият ёмонлашди. Айрим кунларда ҳаводаги заҳарли зарралар миқдори ЖССТ тавсиясидан бир неча ўн марта ошаяпти. Оқибатда Тошкент ҳавонинг ифлосланиши бўйича дунё рейтингида юқори ўринларга чиқиб кетмоқда[11].

Мутахассисларнинг фикрича, Тошкент атмосфераси ифлосланишига табиий ва антропоген омиллар сабаб бўлгани айтилган.

Улар қаторида:

- Тошкентда яшил ҳудуд камайганлиги;
- Қурилиш ишлари бетартиб амалга оширилаётгани;
- Автотранспорт воситалари сони ортиб бораётганлиги;
- Транспорт ва пиёдалар оқимининг кесишмалари сони камайтирилмаганлиги;
- Углеводородлардан, жумладан, кўмир ёқилғисидан фойдаланиш ҳажми ортиши;
- Мазут ёқилғисидан фойдаланиш кўпайганлиги;
- Қуёш радиацияси, атмосфера ёғинлари миқдори ва бошқа табиий омиллар ҳам сабаб бўлмоқда.

Айтиш лозимки, ҳавонинг ифлосланиши экологик масаладан миллатнинг хавфсизлиги ва соғлиги билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим масалалардан бирига айланди.

Албатта, юзага келган вазият, ҳаво сифатини яхшилашга, унинг янада ифлосланишининг олдини олишга қаратилган Миллий стратегияни ишлаб чиқишни ва узоқ муддатли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда[12].

Бу стратегия юқорида келтирилган омилларнинг салбий таъсирини камайтириш билан бирга,

- Тошкент шаҳридаги саноат зоналарини Тошкент вилоятига кўчириш;
- автотранспорт воситаларидан холи зоналар ташкил этиш;
- ҳавонинг ифлосланганлик ҳолати ҳақида аҳолини хабардор қилиш;
- мўътадил микроиклимни таъминлаш ва ҳаво сифатига ижобий таъсир кўрсатиш учун сунъий сув ҳавзалари ва ирригация тизимларини (ариқлар ва каналлар) яратиш;
- корхоналарнинг экологик аудитини ўтказиш ва натижаларини ОАВ да эълон қилиш;
- хусусий ташкилотларга экологик муаммоларни ҳал қилишга сармоя киритиш имконини берувчи дастурларни ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитга хайрия қилиш учун солиқ имтиёзларини бериш;
- ижтимоий-аҳамиятли объектларда (мактаб, боғча, шифохона ва бошқалар) ҳавони тозаловчи тизимларни ўрнатиш;
- аҳоли учун экологик таълим дастурларини яратиш каби чораларни ҳам қамраб олиш зарур бўлади.

Ҳаво ифлосланишини билан курашиш борасида бир қатор ишлар ҳозирдан бошланди. Жумладан,

- бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш самарасини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилди;
- ҳаводаги майда заррачалар миқдори ва уларнинг аҳолига таъсири бўйича миллий ҳаво сифати стандартлари ишлаб чиқиш бошланди;
- ҳаво сифати мониторинги бўйича миллий платформа, жумладан, мобил иловани ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда;
- аҳолининг атмосфера ҳавоси ифлосланишидан касалланиш даражасини ўрганиш бошланди.

Бу масаланинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, соғлом шаҳар қуриш, Тошкентда ҳаво мусаффолиги учун барча бирдай ҳаракат қилиши лозим бўлади. Соғлом шаҳар фақат яшилликни назарда тутмайди. Бу жараёнда соғлом жамиятнинг ҳам мулоқоти бўлиши керак. Яъни давлат томонидан яратилган механизмларга, фуқаролик жамиятининг институтлари, аҳоли ўз муносабатини билдириши керак. Аҳоли ўзи яшаётган ҳудудга бефарқ бўлиши керак эмас. *Ҳаво ифлосланишини ҳар бир инсон шахсий муаммо сифатида қабул қилиши даркор. Чунки у ҳаммага – инсоннинг ўзига, оиласига ва фарзандларингизга тааллуқли.*

Шу маънода у ҳукуматнинг хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва ОАВ билан ҳамкорликдаги изчил ҳаракатини, яъни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида муносабатларни ташкил қилишни талаб қилади.

Маълумки, экологик жиҳатдан тоза ва табиатга зарар келтирмайдиган технологиядан оқилона фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва ҳаёт даражасини ошириш, кишиларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, табиат заҳиралари базасини асраш борасида кенг имкониятлар беради.

Бу тадбирларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб қилиш, яъни ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Мамлакатда бу соҳада давлат органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни эътироф этиш билан бирга ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда аҳолимизнинг бу масалаларнинг ечимида алоҳида ўрни бор эканлигини айтиш керак.

Атроф-муҳитни беками-кўст сақлаш, экологик мувозанатни сақлаш борасида кўплаб ҳужжатлар, қарорлар қабул қилиш, кенг миқёсли лойиҳалар ишлаб чиқиб ва чоратабирлар ўтказиш, уларни молиялаштириш учун маблағ йўналтириш мумкин. Аммо бу жарёнларда давлат бошқаруви органлари билан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ижтимоий шериклик муносабатлари ташкил этилмаса, аҳолида теварак атрофга масъулият ҳиссини, бошқача қилиб айтганда экологик маданиятни шакллантирилмаса бу соҳадаги барча ишлар бесамара бўлади. Қолаверса, давлатнинг экологик сиёсатининг мазмуни жамият ва табиатнинг рангбаранг ўзаро алоқалари ҳолатида бошқаришдан иборат бўлиб, унинг мақсади инсонлар учун, уларнинг соғлом ҳаёт кечиришига қаратилгандир, бу сиёсатнинг субъектларидан бири эса инсоннинг ўзи ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда экологик маданиятнинг аҳамияти ҳақида фикр юритиб Президент Ш.Мирзиёев: “Энг муҳим масала - аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин.

Айни пайтда, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолият самарасини янада ошириш чораларини кўриш лозим.

Ушбу йўналишда фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан жамоат экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш самарасини таъминлашга доир

мувофиқлаштириш ишларини тизимли йўлга қўйиш зарур”[13] деб таъкидлаган эди.

Бу борада қуйидагиларни ҳам эслаш лозим. Маълумки, қадим-қадим замоналардан бошлаб, экологик маданият Ўрта Осиё халқларига хос хусусият бўлган. Бу ҳақида қадимги қўлёзмалар ва улуғ алломаларимизнинг асарлари гувоҳлик беради. Уларда сув, табиат, ўсимликлар, жонзотлар ва уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари, алоқалари ва бошқалар борасида қимматли фикрлар ёзиб қолдирилган. Табиат ва ундаги табиий мувозанат, тозаликнинг аҳамияти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Марказий Осиё давлатларида азалдан табиат жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёт манбаидир. Табиий борлиқнинг таркибий элементлари: ер, осмон ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, яъни экосистема ҳар бир халқнинг, миллатнинг моддий ҳаётини ривожланишига, Ватан туйғусини шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Демак халқнинг этник жиҳатдан ўз-ўзини англашида ҳар бир географик ҳудуднинг ўзига хос экосистемасини сақлаб қолиш, шу халқ ривожланишига ёки инқирозга юз тутишига қўхна тарих кўп марта гувоҳ, бўлган.

ХУЛОСА

Умуман олганда, ҳозирги кунда аҳолида ва аввало ёшларимизда экологик онг, экологик маданиятни шакллантириш атроф-муҳитимизни сақлаш борасида қилиниши зарур бўлган муҳим ишлардан биридир.

Ҳозирги кунда инсонни ва аввало ёшларни, уларни ўраб турган табиатга нисбатан масъулияти тўғрисидаги умумий тасаввур асосларни шакллантиришга асосланган экологик таълимни, табиатни тушуниш, у билан мулоқотда шахснинг ахлоқий тарбияси, унинг инсонпарварлик хусусиятлари - эзгулик, кўнгилчанлик, раҳмдилликка даъват этувчи экологик тарбияни йўлга қўйишимиз лозим. Ва яна бир муҳим масала. У ҳам бўлса атроф-муҳитни муҳофазасида фуқаролик жамияти иштирокини кенгайтириш. Айтиш зарурки, янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган табиатни муҳофаза қилиш борасидаги меъёрлар экологик муаммоларни ҳал этишда ННТ лар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг иштирокини оширишга қаратилгандир. Қатор ривожланган мамлакатларда соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқни тан олган ҳолда, эндиликда анъанавий иқтисодий ёки шахсий манфаатларга эга бўлмаган, аммо соғлом муҳитда жамиятнинг жамоавий манфаатларини ҳимоя қилишга интилаётган фуқаролар учун маъмурий жараёнлар ва суд эшиклари очиқ.

Шу каби илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини, фуқароларни табиат билан уйғун ҳолда, соғлом ва фаровон ҳаёт кечириш учун зарур шароитларни

яратиш ишларига фаол жалб қилишни ташкил этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳожи Муин (1883-1942). <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/hoji-muin/>
2. Ҳожи Муин (1883-1942). <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/1212>
3. “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. <https://lex.uz/acts/2468214>
4. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 389-бет.
5. Наибольшее количество смертей за последние полвека было вызвано засухой. ИА Красная Весна. Читайте материал целиком по ссылке: <https://rossaprimavera.ru/news/de0a9492>
6. Иқлим ўзгариши Ўзбекистонда қандай салбий оқибатларга олиб келяпти? <https://kun.uz/kr/32435165?q=%2F32435165#!>
7. Земля станет непригодной для жизни через 500 лет – ученые. <https://korrespondent.net/tech/science/4401521-zemlia-stanet-neprihodnoi-dlia-zhyzny-cherez-500-let-uchenye>
8. 2030 йилга бориб Ўзбекистонда 8 млн аҳоли иқлим ўзгариши хавфи жуда юқори бўлган ҳудудларда истиқомат қилиши кутилмоқда. <https://www.uzreport.news/society/2030-yilga-borib-uzbekistonda-8-mln-a-oli-i-lim-uzgarishi-havfi-juda-yu-ori-bulgan-ududlar>
9. 2050 йилга бориб, 5 миллион «иқлим» мигранти пайдо бўлиши мумкин – Тўқаев. <https://kun.uz/kr/news/2023/09/16/2050-yilga-borib-5-million-iqlim-migranti-paydo-bolishi-mumkin-toqayev#!>
10. Олти муҳим лойиҳа. 2023 йил 30 декабрь. <https://yuz.uz/file/newspaper/4fbb941ddc11c4213d48f65588fee74a.pdf>
11. Президент – ҳаво ифлосланиши, экологик рейтинг ва Тошкент бўйлаб “яшил белбоғлар” яратиш ҳақида. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/29/ekologiya/>
12. Тошкентда ҳаво сифати қандай яхшиланади? Экология вазирлиги – шошилинч чоралар лойиҳаси ҳақида. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/23/air-quality-urgent-measures/>
13. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 391-бет.
14. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Rasmiy nashr. – Toshkent: O‘zbekiston, 2023.